

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

3-курс “Г” гуруҳи талабаси

АБДУЛАҲАТОВ АБДУОЛИМНИНГ

**БИРИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ ВА
ТАМПЛИЕРЛАР ОРДЕНИ ТАРИХИДАН**

МАВЗУСИДА ЁЗГАН

РЕФЕРАТИ

иш раҳбари: ўқитувчи Г. А. Мамасолиева

Андижон – 2016

Мундарижа

Кириш

- 1. Биринчи салб юриши ва Тамплиерлар орденининг вужудга келиши.**
- 2. Биринчи салб юриши ва Тамплиерлар орденининг вужудга келиши.**
- 3. Орден фаолиятига барҳам берилиши**

Хулоса

Фойданалинган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Юртбошимиз Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” асарида ижтимоий тараққиётнинг ҳаётий ривожланиш босқичларини чуқур ўрганиш зарурияти, миллий тарихнинг юксалиши ва инқирозлик даврларини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тушунтириш, мустамлакачи чор ва совет тузумлари сиёсати салбий оқибатларининг барча кўринишларининг ёритиб бериш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий камол топишида тарих фанининг ролини оширишни таъкидлаб ўтганди.¹

XII - XIV асрларда инсоният ҳалқаро муносабатлар тараққиётининг янги босқичига кирди. Бу босқич дунё миқёсидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириши ва чуқурлаштириши билан ажралиб туради.

Ўрта асрлар тарихида Тамплиерлар ордени каби ўзига диққатни тортадиган мавзулар кам топилади.

Шунинг учун оммавий адабиётда “Тамплиерлар жумбоғи” деган жумла пайдо бўлди. Бироқ, Камбағал рицарлар биродарлиги Муқаддас жойларга бораётган зиёратчиларни йўлда кўриқлаш учун ташкил этилганидан, то уни XIII аср охирига келиб улкан моддий ва ҳарбий захираларни жамлаган кудратли ташкилотга айланганлиги тарихини таҳлил этмасдан тамплиерлар орденини жумбоғини тушуниб етиш қийин бўлади.

Тамплиерлар диний – рицарлик ордени тарихидан мавзусини ўрганишнинг ҳозирги замондаги ҳолатини ёритиш, Орден фаолияти тарихи тадқиқотчиларининг бу масалага нисбатан қарашлари ва ёндашувлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини таҳлил этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тамплиерлар ордени фаолияти ривожланиш жараёнини таҳлил этиш пайтида кўпроқ интернет-сайтлардаги тамплиерлар ордени тарихига

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998.31-6.

бағишланган турли хил маълумотлардан ва мавжуд илмий адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланилди

Бунда мемуарлар, Тамплиерлар Рицарлик Орденини низоми тахлил этилади. Тарихчи Гийом Тирскийни “Денгиз ортидаги воқеалар” китобида Орден тўғрисида дастлабки маълумотларни бериб, уни 1118 йилда ташкил топганини баён этган. Қуддус қироли Балдуин II нинг саройига Гуго де Пейн ва Годфруа де Сент-Омер келиб, Яффадан Қуддусгача бўлган йўлда зиёратчиларни қўриқлаш учун ижозат сўрашган. Қирол уларга саройнинг жанубий томонидан, Ибодатхона яқинидан жой берди. Шундай қилиб ўн йил ўтгач бу орден - Ибодатхона ордени номини олди. Асар 23 та китобдан иборат бўлиб, Қуддус қироллиги тарихини 1100 йилдан 1184 йилгача бўлган даврини қамраб олади.

XII-XIV асрларда ҳалқаро муносабатларнинг субъекти бўлган Тамплиерлар Орденини фаолиятига боғлиқ муаммоларни ўрганишни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш.

I. БИРИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ ВА ТАМПЛИЕРЛАР ОРДЕНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.

Салиб юришлари деганда Европа феодалларининг XI аср охиридан то XIII аср охиригача узок вақт давомида Яқин Шарқда — Сурияда, Фаластинда, Мисрда, Болқон ярим оролида, Кипр оролида ва бошқа жойларда олиб борган ҳарбий-колонизация экспедициялари кўзда тутилган.

Ташқи жиҳатдан бу экспедициялар диний руҳдаги экспедициялар эди, чунки католик черкови бу курашни — «бутнинг — ярим ойга» қарши, христианликнинг — исломга қарши курашидир, деб эълон қилган эди; юришлардан муддао Фаластинни «кофирлар» дан халос қилиш ва христианлар эътиқодича, Қуддусдаги «Исо пайғамбар қабри» ни христианларга қайтариб олиб беришдир деб, расмий эълон этилди. Ҳақиқатда эса, бу босқинчилик юришларидан иборат бўлиб, уларда европалик баронлар ва рицарлар ҳеч тап тортмай, Шарқнинг шаҳарларини талаадилар, бутун-бутун князлик (беклик) ва қиролликларни босиб олдилар, ўзлари учун феодал рентасини янги солиқ тўловчиларини қўлга киритдилар. Аммо салб юришларида феодаллардан ташқари, жамиятнинг бошқа гуруҳлари, жумладан деҳқонлар ҳам қатнашдилар. Бу ҳол салб юришларига энди ялпи, оммавий тус берди. Замондошларга бутун Европа ҳаракатга келгандай, халқларнинг қандайдир янги буюк Хижрати юз бергандай бўлиб кўринди.

Салб юришларининг сабабларини қисман XI асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқда юз берган ўзгаришлардан, қисман феодал Ғарбий Европанинг ўзидаги умумий иқтисодий тараққиёт ва кескин ижтимоий зиддиятлардан қидирмок керак.²

XI асрда Шарқда Европа феодалларининг ҳужум қилиши учун жуда қулай бир вазият майдонга келган эди. Бир вақтлар қудратли деб

² Семёнов. В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973 й. 178-б

хисобланган Бағдод халифалиги 1055 йилга келиб батамом тарқалди. Бошқа йирик давлат — Комнинлар замонидаги Византия ҳам оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди.. Болқон ярим оролига бостириб кирган печенеглар Византия империясига шимол томондан ҳужум бошлаган эдилар. Сицилия норманнлари ғарбдан Византияга ҳаф солмоқда эдилар. Аммо салжуқ турклари Византия учун айниқса хавфли эдилар, улар Кичик Осиёнинг катта бир қисмини босиб олган ва, айнаи замонда, Константинополга қўшни бўлган Ника шаҳрини ўзларига пойтахт қилиб олган эдилар. 1071 йилида турklar Манцикерт шаҳари ёнида византияликларни қаттиқ мағлубиятга учратдилар. Янги император Алексей Комнин (1081 йилдан идора қила бошлаган эди) гарчи турklarнинг бир неча ҳамласии тўхтатган бўлса-да, лекин ҳар ҳолда, империянинг аҳволини мустаҳкам дея олмасди. XI асрнинг 80 ва 90-йилларида у турklarга қарши ёрдам беришни сўраб папага ва Германия императорига бир неча бор мурожаат этди. Илгари яққою-ягона бўлган христиан черкови 1054 йилдан эътиборан иккита ракиб қисмга Шарқий (православ) ва ғарбий (католик) черковларга қатъий ажралиб кетган бўлса ҳам, Алексей Комнин сиёсий мақсадларни кўзда тутиб, папа бошчилигида бу черковларни ҳатто қайтадап бирлаштиришга ҳам таъсир эди. Шундай қилиб, Шарқнинг икки энг йирик давлати Араб халифалиги билан Византия империяси — салбчиларга бирор-бир жиддий тўсқинлик кўрсатишдан ожиз эдилар. Бунинг устига, улардан бири (Византия ҳатто Европа феодалларини Шарқ можароларига аралашишга даъват этди. Турklarга келсак, XI асрнинг 80 ва 90-йилларига келиб уларнинг номуустаҳкам ҳарбий-қабила иттифоқи тарқалиб кета бошлаган эди. Феодаллашиб бораётган айрим турк бекликлари ғарб феодалларининг ҳужумини тўхтата олмадилар.

Бу вақтга келиб папалик зўр қудратга эга бўлди. Дунёвий ҳокимият билан олиб борилган тўқнашувларда папа императорнинг ўзини бир неча

марта мағлубиятга учратди. Салб юришлари папаликка кўпгина реал фойдалар келтириши: парчаланиб кетган феодал Европасига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиши, Шарқий «схизматиклар»ни, яъни Шарқий православ черковининг ажралиб кетган христианларини Римга бўйсундириш учун, католик рухонийлари католицизм мазҳабига ўтказишни орзу қилган ҳам мусулмонлари орасидаги миссионерлик фаолияти учун жуда катта ионалар тўплаши мумкин эди. Ана шу важдан, папа Урбан II 1095 йилининг кузида Жанубий Франциянинг Клермон шаҳрида кўп кишилиқ черков йиғинини тўплаб, унда сўзга чиқиб «кофирлар»га қарши курашмоқ учун Шарққа жўнаб кетишга даъват этди. Урбаннинг асосий даъвати «Исо пайғамбар қабрини» христианларга қайтариб олиб бериш ва «муқаддас» Фаластинни халос қилишдан иборат эди. Папа салб қатнашчиларининг гуноҳидан кечишни ваъда қилди, шунингдек, у Шарқда салбчиларни кутаётган бой ўлжа ҳақида ҳам очикдан-очик айтди. Йиғинда қисман француз, қисман бошқа мамлакатлардан келган минглаб рицарлар ҳозир бўлдилар. Феодалларнинг кўпдан-кўп йиғинларини ўтказиш фактининг ўзи шу нарсани яққол кўрсатадики, папа бош кўтариб чиқмасдан анча бурун рицарлар орасида кенг тарғибот олиб борилган ва уларнинг бир қисмини Фаластинга салб юриши ўтказиш режасидан манфаатдор қилишга улгурилган. Папанинг бу чиқиши анча илгари тайёргарлик кўрила бошлаган ишни ташкилий ва ғоявий жиҳатдан расмийлаштиришдан иборат бўлди, холос.

1096 йилнинг кузида рицарлар, асосан француз ва итальян рицарлари, қисман Ғарбий Германия рицарларн жўнаб кетдилар. Бу юришга Қуйи Лотарингия герцоги Готфрид Бульонский бошчилик қилиб, ўзи билан бирга Шарққа иккита акаси— Болдуин билан Евстафийни олиб кетди. Шимолий француз феодалларига Нормандия графи Роберт ҳамда Фландрия графи Роберт бошчилик қилдилар, Жанубий француз феодаллари Тулуза графи Раймундни ўзларига йўлбошчи қилиб олдилар.

Рицарлар ҳам Шарққа Константинопол орқали кетган бўлсаларда, лекин турли йўллар билан бордилар. Баъзилари Пётр Амьенский раҳбарлигидаги деҳқонлар отрядлари босиб ўтган эски йўлдан, яъни Рейн-Дунай дарёлари бўйидан бордилар. Бошқа отрядлар Шимолий Италия орқали ўтиб, сўнгра Болқон ярим оролидан Адриатика денгизи соҳили бўйлаб кетдилар. Учинчи отрядлар, бутун Италиyani босиб ўтиб, кейин Калабриядан кемаларга тушиб Болқон ярим оролига қараб кетдилар ва бу ердан Константинополга бордилар. Биринчи юришда жами бўлиб 30-40 мингтача рицарь ватнашди. Аммо улар ҳузурида кўпгина яроғбардорлар, хизматкорлар, ҳар қанақанги савдогарлар бор эди; биринчи салб юришидан омон қолган деҳқон лашкарлари ҳам рицарларга келиб қўшилдилар.

Шундан кейингина, 1097 йил ёзида, рицарлар лашкари Кичик Осиёга ўтказиб юборилди. Бу ерда салбчилар Дориля ёнида бўлган жангда туркларни мажаклаб ташладилар, шундан кейин улар жануби-Шарққа, Фаластин томонга қараб кетдилар. Чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқда тоғлик йўллардан ўтиш улар учун ғоят машаққатли бўлди. Салб қатнашчиларининг кўплари йўлда ҳалок бўлди. Агар салбчилар Шимолий Сурия чегарасида иттифокчиларга дуч келмаганларида, бу юриш тамомила барбод бўлган булур эди. Бу иттифокчилар арманлар бўлиб чиқди. Кичик Арманистон деб аталган ўлка (Киликияда) салбчилар ёрдамидан манфаатдор эди, чунки у Византия билан ҳам, турклар билан ҳам ғоят даражада душманлик муносабатида эди. Европа феодалларидан бири — Балдуин (Готфриднинг укаси) тез орада Эдесса князи, бошқаси— Сурия билан Месопотамия чегарасидаги Арманистон колониясининг князи бўлиб олди. Салбчиларнинг Эдессани босиб олиши стратегия жиҳтидан муҳим эди, чунки Эдесса Сурия билан Фаластинни шимол томондан турклар Ҳужумидан қўриқлаб турарди. 1098 йил ёзида салбчилар «Шарқ пойтахти»— Антиохияни босиб олдилар, Боэмунд Таренский Антиохияга

князь бўлиб олди. Учинчи йирик феодал — Раймунд Тулузскийга Триполи области (Антиохиянинг жанубида) тегди. Ниҳоят, 1099 йил ёзида салбчилар Қуддусга етиб бордилар. 1099 йилнинг 15 июлида улар штурм билан Қуддусни қўлга киритдилар. Салбчилар шаҳарни таладилар ва унинг аҳолисининг катта қисмини, мусулмонларни ҳам, христианларни ҳам аямай вахшийларча қириб ташладилар. Бу истилолар натижасида салбчилар Ўрта денгизнинг бутун Шарқий соҳилини, яъни илгариги Финикия, Сурия ва Фаластинни эгалладилар. Қуддус, Антиохия, Триполи, Эдесса, Тир, Сидон, Акра шаҳарлари уларнинг қўлига ўтди. Салбчиларнинг шимолдан жанубга томон тор минтақа бўлиб чўзилиб кетган мулкларининг узунлиги 1200 км га етар эди.

Салбчилар босиб олинган территорияда ўз давлатларини туздилар. Бу давлат Қуддус қироллиги деб аталди. Бу давлатга дастлаб Готфрид Бульснский қироль қилиб сайланди, Аммо Қуддус қироллиги Балдуиннинг ворислари замонида (1100-1118) қатъий расмийлашди. Балдуин Эдесса кңязлигини Балдуин Буршеский деган бошқа феодалга берди.

Диний-рицарлик орденларини вужудга келиши масаласига келсак, салбчилар Шарқда тузган давлатларини мудофаасини ташкил қилмоқ учун ўзига ҳос доимий қўшин тузишга мажбур бўлдилар.

1099-1100 йилларда биринчи салб юриши тамом бўлгандан кейин рицарларнинг бир қисми Европага қайтиб кетди. Фаластинда ҳаммаси бўлиб бир неча минг рицарь қолди, халос. Шундан кейин бу рицарларга ёрдам тариқасида диний-рицарлик орденлари барпо этилди. Булар айна бир вақтда ҳам монахлар, ҳам рицарлар бўлиб хизмат қилдилар. Уларнинг махсус монахлик устава ва айна замонда, алоҳида диний ва ҳарбий бошлиқлари — орденларнинг магистрлари бор эди. Орденлар бевосита папага бўйсунарди. «Рицарь-биродарлар» рицарлик яроғ-аслаҳалари устидан алоҳида монахлик плашлари — мантиялари кийиб юрардилар. Аммо қолганлари чинакам рицарлар бўлиб, улар одатда ҳарбий таълим

кўрган, ажойиб чавандоз ҳамда қилич ва найзани моҳирона ишлата биладиган кишилар эди. Одатда бу одамлар ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидап кўпроқ рицарлар оиласига мансуб шахслар эди. Фаластинда ва Европанинг турли мамлакатларида орденларни ер-мулклари бўлиб, улар шу ер-мулклардан келадиган даромадлар ҳисобига яшардилар. Шарқда учта орден ташкил этилди. 1119 йилда биринчи бўлиб тамплиерлар ёки ибодатхона аҳллари (французча temple — ибодатхона деган француз ордени ташкил бўлди, чунки орден биноси, ривоятларга кўра, қачонлардир подшо Сулаймоннинг қадимий яҳудийлар ибодатхонаси жойлашган территорияда бўлган. Тамплиерлар ордени ташкил бўлгандан кейин, тез орада шунга ўхшаш, госпитальерлар ёки ионнитлар (ўз ҳомийси авлиё Иоанн шарафига) деган итальян ордени бунёдга келди. Дастлабки пайтларда госпитальерлар ҳақиқатан ўз олдиларига зиёратчилар даволанадиган госпиталларда — касалхоналарда хизмат қилишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Кейинроқ 1190 йилда немисларнинг учинчи бир ордени таъсис этилиб, у Немис ёки Тевтон ордени деб аталди. Бу орден бошқа орденлардан анча кейинроқ барпо этилиб, у Фаластинда унча узок турмади. XIII аср бошида Тевтон ордени Европага кўчиб ўтиб, кўпи Висла дарёси қирғоғини ўзига макон қилиб танлаб олди, поляк феодаллари маҳаллий: «мажусийлар»га — пруссларга қарши курашиш учун Тевтон орденини бу ерга таклиф этган эдилар. Тевтон ордени Пруссияни истило этиб ва шунинг оқибатида «Тевтон» ордени деган ном ўрнига «Прусс» ордена деган ном олиб, у Болтиқ бўйида анчагина бақувват давлатга айланди ва кейинчалик Польша қироллигининг ўзининг мустақиллигига жиддий хавф туғдира бошлади.

Ҳарбий-монахлик уюшмалари биринчи марта Қуддус қироллиги ҳудудида пайдо бўлди.

Қуддусда вужудга келган вазият туфайли 1118 йилда Аутремер йўлларида христиан зиёратчиларини химоя қилиш учун тамплиерлар биродарлиги вужудга келади.

Орденни ташкил этиш ғоясини, тамплиерларни ватандоши авлиё Бернард Клервосский қўллаб-қувватлади. 1128 йилда Труадаги маҳаллий соборда тамплиерларнинг низоми тасдиқланди. Бернарднинг асарлари эса ғоявий дастур сафатида хизмат қилди. Бу 72 моддадан иборат Орден низомини ҳам Бернард тузган эди. Бернард шунингдек цистертиан ордени монахларига ўхшаб, тамплиерларга ҳам оқ кийимда юришни таклиф қилди. Кейинчалик тамплиерлар ўзларининг оқ кийимига салбчилар юришлари билан боғлиқ ҳамма каби қизил ҳоч (крест) тикиб олишган.³

Биринчи салб юриши қатнашчиларининг кўпчилиги Ғарбий Европага қайтиб кетгач Шарқда салбчилар тузган давлатлар ўз чегараларини химоя қилишга қодир бўлмай қолди. Натижада Фаластиндаги Муқаддас жойларга зиёратга бораётган христианлар йўлларда қароқчиларни ва мусулмонларни отлиқ кўшинларини ҳужумларига дучёр бўлар эди, чунки салбчилар давлати уларни тегишлича кўриқланишини таъминлай олмасди. Айнан шу ҳолат ибодатхоначиларни орденини ташкил этилишига сабаб бўлиб хизмат қилди.

Орден 1118 йилда, Гюго де Пэйн, Годфруа де Сен-Омер ва уларнинг етита дўстлари Муқаддас йўл орқали Яффадан Қуддус бораётган христиан зиёратчиларни кўриқлаш ҳақида қасамёд қабул қилганликларидан кейин, вужудга келди. Улар Қуддус қироли Балдуин II ҳузурига келиб ундан ўзларининг Муқаддас ишларини бошлашга ижозат беришини сўрашди. Қирол уларнинг қарорини маъқуллади ва рицарларга Сулаймон ибодатхонаси ва собиқ Куббат-ал-Захра масжиди ўрнида қурилган саройнинг жанубий чеккасидан жой ажратди. Ўн йил ўтгач бу орден – Ибодатхона Ордени номини олди.

³ Всемирная история в 10 томах. Том-3. – М; 1987.с.287

Тамплиерларни асосий мақсади – бу Муқаддас Ерда (Фаластинда) пилигрим (христиан зиёратчи)ларини химоя қилиш бўлган.

Бу орденнинг дастлабки хомийлари авлиё Бернар ва Шампан вилояти графи Гуго эди. 1124 йилда граф Гугонинг ўзи ҳам тамплиер бўлди, орденнинг биринчи Буюк Магистри этиб эса, графнинг вассаларидан бири Гуго де Пейн бўлди. Орденга асос солган раҳномолардан бири, авлиё Бернарнинг амакиси Андре де Монбар эди.

Бу орденга граф Гуго Шампанскийдан ташқари, Анжуй герцоги Фульк Нерра ҳам аъзо бўлиб кирган. Орден ташкил топганидан кейинги ўн йил ичида унинг аъзоларини сони анча кўпайди. Бу ҳарбий ташкилотга қурол билан профессионал даражада муомала қила оладиган, жанговар отига ва яроғ-аслаҳага эга бўлган кишилар талаб қилинган.

Бундай талабларга жавоб бера оладиган кишилар Қуддус киролигида озчиликни ташкил этган.

1128 йилда Орден устави ишлаб чиқилди. У ўзинининг тузилиши ва жиддийлиги бўйича Цистерианларнинг орденига ўхшар эди. Улардан елкага ташланадиган енгсиз кенг кийим – яъни плащни, ўзлаштиришди, улар қизил ҳочли оқ плащда юришган. Монах-жангчини озиқ-овқати оддий, яъни нон ва сувдан иборат эди. Қимматбаҳо кийимларда юриш тақиқланган, шунингдек сўқиниш, ўзини тўхтата олмай қулиш, маъносиз гаплашиш тақиқланган. 1128 йил 14 январда Труа соборида Ибодатхона Ордени ва унинг лотин тилидаги низоми папа Гонорий II томонидан тасдиқланди.

Энг аввало Низом тамплиерлар Орденини черков ҳокимиятига бўйсунитини таъминлаган. Тамплиерларни фақат черков суди томонидан суд қилиниши мумкинлиги эълон қилинди. Улар диний таот-ибодатларда қатнашишлари керак бўлган. Ибодатда охиригача қатнашиши керак бўлган. Низомда диний байрамларни ва рўза тутиш амалларини бажариш қайд этилган.

Орденга янги аъзолар қабул қилинганда Низом уларга ақл билан иш тутушни тавсия этган. Уларга ички тартиб қоидаларини яхшилаб эслаб қолгунга қадар ёдлашни тавсия этилган. Орден аъзолигидан бўшатишган рицарлар қайтадан аъзоликга қабул қилинмаган.

Низом бўйича Орденга ёш бола ва ўсмирларни аъзоликга қабул қилиш тақиқланган. Бошқача айтганда, рицарликга қабул қилиниш учун 20 ёшга тўлиб, жисмоний бақувват эркак бўлиши керак эди.

Дастлаб Низомга кўра Орден аъзолари тўрт тоифага бўлинган: рицарлар; хизматкорлар ва кўролдорлар; рухонийлар; биродар-ишчилар.

Низом тамплиерлар орденини магистрига бошқа аъзолари устидан чекланмаган ҳокимият берган.

Орденнинг барча аъзоларини кийими бир хил рангда бўлган.

Диний ва ҳарбий тартиб-интизом жуда қаттиқ эди, бу Орденни алоҳида ажралиб турувчи белгиларидан бири ҳисобланади. Овқатни сукут сақлаб икки киши бир идишдан танаввул қилиши лозим бўлган, бу итоаткорлик белгиси ҳисобланган.

Тамплиерлар ордени кўшни ташкил этилганда, дастлаб уруш ҳаракатлари олиб борилмаган пайтларда беш юз рицар ва мингта хизматкор-куролбардорлардан иборат бўлган. Уруш ҳаракатлари вақтида уларга ёлланма аскарлар кўшини қўшилган.

Тамплиерлар ордени аъзоларига уйланиш ман этилган. Дастлаб тамплиерлар икки тоифага бўлинишган: рицарлар курол олиб юришган, ва уларнинг хизматкорлари куролсиз юришган. Рицарлар “шевалье биродарлар” деб, хизматкорлари эса “сержант биродарлар” деб аталган. Орденга аёллар аъзоликга қабул қилинмаган. Орденга аъзоликга қабул қилинган уйланган рицарлар эса оқ кийимда юришлари мумкин эмасди. Уйланган тамплиерларни вафотидан кейин уларнинг мол-мулклари орден ихтиёрига ўтказилган, уларнинг беваларига эса нафақа тўланган. Дастлаб орденга рухонийларни қабул қилишмаган, бироқ, кейинчалик аста-секин

уларнинг сони кўпайиб борган. Улар ҳам алохида тоифани ташкил этган. Тамплиерлар орденининг асосий мақсадларидан бири уларга ажратилган ҳудудларда тинчликни сақлаш бўлган.

II. КАТОЛИК ЧЕРКОВИ ВА ОРДЕН ФАОЛИЯТИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

1128 йилдан бошлаб орден, нафақат янги аъзоларини оммавий равишда кириб келиши, балки ҳам маблағ, ҳам мулк шаклидаги катта эхсонларни ҳисобига кескин кенгайиб борди. Бир йил ўтгач тамплиерлар Франция, Англия, Шотландия, Испания ва Португалиядаги ерларга эгалик қила бошлади.

Ўн йил мобайнида уларнинг мол-мулклари Италия, Австрия, Германия, Венгрия ва Константинополгача кенгайиб борди. 1131 йилда Арагон қироли уларга ўзининг ерларини учдан бир қисмини васият қилиб қолдирди. Ўн иккинчи асрнинг ўрталарига келиб Ибодатхона ордени, папаликдан кейин, христиан оламидаги энг бой ва нуфузли ташкилотга айланди.

Труадаги Собори (йиғилиши)дан кейинги бир неча йил мобайнида Гуго де Пейен ва орденнинг бошқа асосчилари бутун Европа бўйлаб фаол кезиб юриб, ҳам орденни, ҳам Фаластиндаги қўшма мулкларни афзаллик томнларини тарғибот қилишган. Маълумки, Гуго ўз биродарлари билан ҳам Англияга, ҳам Шотландияга ташриф буюришган. Бу ҳақида “Англо-саксон хроникалари” Гугони Англия қироли Генрих I билан учрашгани ҳақида гувоҳлик беради. Унга кўра, қирол Гугони катта ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилиб, унга олтин ва кумушга бой совғалар инъом этган.

Орден ўзининг ер-мулкларига эга бўлган жойларда тамплиерлар ва маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатлар оддий эмас эди.

Масалан. Францияда бу муносабатлар ҳатто энг яхши вақтларда ҳам бу муносабатлари зўракилигигача қолган. Испанияда эса улар ўзгаришсиз доим яхши бўлган. Бу Орденга Англияда ҳам қироллар хайрихоҳлик билан қарашган.

Англияда қирол Стефан бошқаруви даврида тамплиерлар ўзларининг асосий биносини қуришди. «Эски Темпл» Холборнда

жойлашган бўлиб, у бир қатор ибодат ўтайдиган бинолардан, черковдан, полиз экинлари экилган ер, мевали боғ, ва қабристондан иборат эди. Буларнинг барчаси химоя хандақи ва айрим тарихчиларни хулосасига кўра девор билан ҳам ўраб олинган.

Англия қироллари тамлиерларга кўплаб ер мулклар совға қилишган. Уларнинг ўзаро алоқалари Генрих II нинг ўғли Ричард Шерюрак даврида яна ҳам мустахкамланди.

У ибодатхона ордени рицарлари билан доимо мулоқотда бўлиб, уларнинг кемаларида саёхат килган ва қароргоҳларида мунтазам меҳмон бўлган. Ричард кейинчалик ибодатхоначиларга Кипр оролини ҳам сотган. Бу орол кейинчалик тамплиерларни вақтинчалик расмий қароргоҳи бўлган.

Тамплиерларни Англиядаги мулклари бутун мамлакат бўйлаб кенг кўламда жойлашган эди. Уларнинг айримлари ҳозирда ҳам ўз номларини сахлаб қолган, масалан Лондондаги Темпл Форчун худудини мисол келтириш мумкин. Тамлиерлар Англияда камида етмиш тўртта йирик ер мулкларига эга бўлишган. Баъзан, Орденнинг тижорат фаолияти ўз шаҳарларини қуриш заруриятини келтириб чиқарган. Масалан, Летчуэртдан узоқ бўлмаган Хартфордширда жойлашган Балдок шаҳри 1148 йилда тамплиерлар томонидан қурилган. Унинг номи Боғдод шаҳри номидан олинган.

Замонавий Бристол шаҳрининг катта қисми қачонлардир тамплиерларга тегишли бўлган, ва ҳақиқатда Бристол орденнинг асосий кема бандаргоҳларидан бири бўлган. Бу ердан тамплиерларни Атлантика океанидаги асосий қароргоҳи французларни Ла-Рошель қалъасига мунтазам равишда қатновлар амалга оширилган.

Орденнинг молиявий фаолияти ва дунёвий ва диний феодаллардан мустақил ҳаракатлар олиб боришга интилишлари тўғрисида алоҳида шуни таъкидлаш мумкинки, тамлиерлар “Ғарб банкирлари” номи билан ҳам шуҳрат қозонишган.

Уларнинг молиявий муваффақиятлари орден халокатининг асосий сабабларидан бири деб кўрсатилади.

Ғарбдаги уйлардан ундирилган тўловлар Шарқда орденларни кун кечириши учун зарур бўлган. Ҳатто Шарқдаги сиёсатни тўла таназзулга учрагани шароитида ҳам, папа Николай IV нинг 1291 йилдаги буллеси шу ҳақида эслатади. Назарий жиҳатдан бу маблағ ажратмалари даромаднинг учдан бир қисмини ташкил этган, кейинчалик ўндан бир қисмини, сўнгра эса XIV аср бошларида Арагонда бир минг марка ҳажмдаги микдорини ташкил этган. Ибодатхона орденининг манфаатлари ўз даромадларини катта қисмини пулга айлантиришга ва ярмарка ва бозорлардан кўпроқ солиқ ундиришга ундаган.

Ибодатхона Ордени ўзининг молиявий хавфсизлигини учта усул билан таъминлаган: нарсани гаровга қўйиш, фоизлар ва жарималар. Берилган пуллар эвазига олувчи ўз мулкани орденга гаровга берган, орден эса қарз ундирулгунча буюмларни сақлаган. Фоиз кўпинча бир пул бирлигини бошқасига алмаштириш муомаласи орқали яширилган. Бироқ, Ибодатхона Ордени ўзининг қарзларини ундирилишини таъминлаш учун бошқа бир усулни маъқул кўрган, яъни қарз олувчи томонидан “кредит” вақтида қайтарилмаган тақдирда маълум микдорда жарима ундирилиши кўрсатиб ўтилган. Жарима қарзга олинган пул микдорини 60 дан 100 фоизигача ташкил этган.⁴

Мабодо тамплиерлар молиявий муомалаларни амалга оширишга бевосита қатнашмаган ҳолатларда ҳам маслаҳатчилар, гувоҳлар ёки тасдиқловчилар сифатида иштирок этишган.

Ибодатхонаилар молиявий технологиялар (аккредитивлар) ва бухгалтерия соҳаларига ҳам сезиларли ўз улушларини кўшганлар.

⁴ Барбер М. Орден тамплиеров в социальном контексте // TemplarHistory.Ru [<http://www.templarhistory.ru/home.php?d6aobbtHkfzrkqwN9dVbjtKkH%26velfzr>]

Масалан, касса журналлардаги ёзувлардан биз Ғарбдаги энг катта Париж филиалини қандай фаолият кўрсатганини билиб олишимиз мумкин.

Шарқда ҳам Ибодатхона ордени мана шундай кредит сиёсатини юритган. Бунга оид биринчи малумотлардан, Иккинчи салб юришлари вақтида Людовик VII га берилган қарзлар ҳақидаги айтиб ўтиш мумкин. Ибодатхона орденининг Сурия ва Фаластинда фаол кредит сиёсати юритган пайти, лотин давлатларига 1160 йилларда қимматбаҳо металлларни, асосан кумушни, оқиб келиши ва йирик халқаро савдони гуллаб яшнаган даври билан тўғри келган.

Шарқга молиявий маблағлар асосан Ғарбдан келиб тушган. Тамплиерлар ажойиб элчилар бўлган. Францияда қирол ҳокимияти одатга кўра комиссарларга топшириладиган ўта муҳим топшириқларни тамплиерларни вакилларига юклашган. Бироқ, асосан дунёвий ва черков ҳокимияти тамплиерларни молия соҳасидаги билимларидан фойдаланишган.

III. ОРДЕН ФАОЛИЯТИГА БАРҲАМ БЕРИЛИШИ

Католик черкови рицарларининг сиёсий фаолияти фақат Ғарб билангина чекланиб қолмаган – ва Орден Ислом дунёси билан яқин муносабатлар ўрнатган. Салбчилар билан кураш олиб борган сарацинлар (Арабистон ярим оролида араблардан олдинги яшаган аҳолини сарацин деб аташган) ҳам, бошқа европаликларга қараганда Тамплиерларга анча катта хурмат кўрсатишган.

Ибодатхона рицарлари ҳатто ислом диний-сиёсий ордени Ассасинлар билан ҳам муносабатлар ўрнатишган ва улар таплиерларга ўлпон тўлашган. Қарийиб барча сиёсий даражаларда ибодатхоначилар расман ҳакамлик судлари сингари қатнашганлар, ва кўпинча қироллар уларнинг обрўсини тан олишган.

Аммо тамплиерларнинг фаолиятинининг асосий йўналиши араб ва турклар билан урушлар бўлиб, айнан шу урушларга орденнинг бойликларини кўп миқдори сарфланган. Амалда барча Ғарбий комондорликлар “Муқаддас ер” (яъни Қуддус) учун меҳнат қилишган – улар қалъалар ва ёлланма аскарларни таъминоти учун маблағ юборишган ва албатта Фаластинга янги (жангчиларни) аскарларни жўнатишган. Қуддус қироллигининг бутун худуди бўйлаб ибодатхоначилар кенг ҳарбий фаолиятни амалга оширишди – улар амалда барча ҳарбий тўқнашувларда қатнашганлар, барча салб юришларини қўллаб-қувватлашган, бошқа динга мансуб шахсларни ва дахрийларни қалъаларини қамал қилишган ва уларни отрядларига хужум қилишган. Маълумки, тамплиерлар ва госпитальерлар диний-рицарлик орденлари аскарларидан мусулмонлар айниқса ўта чўчиб туришган. Султон Салоҳиддин рицар-монахларни кўркмаслиги учун улардан нафратланган, ва “мен ер юзини бу лаънати ордендан тозалайман” деб айтган.

Барча йирик жанглар бевосита тамплиерларнинг иштирокида бўлиб ўтган. 1153 йилда Аскалонани қамал қилиш вақтида Буюк орден магистри

Бернар де Трембле ва қирқ нафар рицар шаҳар деворларидан ошиб ўтмоқчи бўлганда, қалъа химоячилари томонидан ўлдирилди. XII аср мобайнида тамплиерлар Фаластиндаги жанг майдонларида ҳал қилувчи ролни ўйнади. Иккинчи салб юришининг йўлбошчиси Людовик VII нинг ёзиб қолдиришича, тамплиерлар унинг кучли қўллаб-қувватлашган. Бундай ҳолатларда ибодатхона ордени магистрини зиммасига катта жавобгарлик тушган. Амалда диний рицарлик орденлари Қуддусда ягона ҳақиқий куч ва ҳокимият бўлиб қолди. Салб юришларининг иши аллақачон ютказилган бўлса-да, аммо охирги рицарлар бошланган ишни қолдириб кетишни ҳоҳлашмас эди. Қуддус қироллигининг сўнгги иккита раҳбарлари Тома Беррар ва Гийом де Боже ўз давлатларини қийинчилик билан бошқаришди. Чунки Қуддусга нисбаттан ғарблик ҳукмдорларнинг эътиборсизлиги ортиб бораётган эди.

Теварак-атрофда ҳамма нарсa барбод бўлаётган бир вақтда тамплиерлар ўзларининг ишига содиқ қолишган. Лекин қатъий руҳиятли бу монахларни ҳам Муқаддас ерни тамомила тушкунликга олиб келаётган йўқотишлар ларзага солмаслиги мумкин эмас эди. 1265-йилда, Арсуф бой берилганидан кейин бир номаълум тамплиер нафрат ва оғриқ деб номланган машҳур поэмани ёзди. Унда Фаластинда ҳукм сурган умумий кайфиятни акс эттирилганини таъкидлаш лозим.

Тирик қолган тамплиерлар ва госпитальерлар ўз қароргоҳини бошқа бир минорасига яширинишди, бу жойда улар душманга бир қанча вақт қаршилиқ кўрсатишди, лекин рицарларни у ерда қўлга тушира олмаган мусулмон аскарлари ҳамма нарсани бирданига ҳал этишни йўлини топишди. Улар бир вақтни ўзида минорани ҳам остини кавлашди ва ҳам бузишни бошлашди, бу эса эса минорани қулашига олиб келди. Минора йиқилди ва уни остида ҳам рицарлар, ҳам мусулмонлар кўмилиб қолиб кетди.

Барча бу воқеалар бир лаҳзада христиан рицарлиги тарихини бу бўлимини тугаллади, ва Қуддус қироллиги тўғрисидаги бу қиссага нуқта қўйди.

Тамплиерларни оғир гуноҳ содир етканликда айблашди, яъни улар Исо пайғамбардан воз кечганликда, бузуклик йўлига кирганликда, бесоқолбозликка мойилликда ва йиғилишларида маъбудларга сиғинганликда айбланди. Бундай айбловлар, баъзи гуноҳ ва айблари учун ордендан ҳайдалган айрим рицарларнинг чақувларига асосланган эди . Бу рицарларнинг айримлари, орденнинг келгуси айбловчилари билан шахсан таниш булган. Октябр ва ноябр ойларида қамокка олинган тамплиерлар бир вақтни ўзида ўз айбларига иқрор бўлишди .

Кўплаб маҳбусларга нисбатан даҳшатли қийноқлар қўлланилган, холбуки, сўроқ қилинганларнинг кўпчилиги жангларда тобланган, кучга тўлган аскарлар бўлмасдан, балки орденнинг хўжалик ишларининг хизматчилари ёки Европада дам олиши учун нафақага чиққан кекса ветеранлар бўлган. Сўнгра де Моле Париж унверситети теологларини (яъни дин бўйича мутахассислар) йиғилишидаги ўзининг айбига иқрорлигини омманинг олдида қайта тан олди.

Филипп ўз навбатида христиан оламининг ҳукмдорига, яъни Рим папасига мактуб ёзиб, ўзига тақлид қилиб, тамплиерларни қамокқа олишликни, чунки уларнинг барчаси ашаддий дахрийларга айланганини маълум қилади. Папа Климент V бундай қамокқа олинишларни ўзининг обрўсига таҳдид сифатида қабул қилди. Аммо норозиликлар келиб чиққанидан сўнг бўлиб ўтган ҳолатлар учун жавобгарликни ўзига олишга интилди. 1307-йил 22-ноябрда у Булла (буйруқ) чиқарди, унга кўра барча ҳукмдорлар тамплиерларни қамокқа олишлари ва папанинг номидан уларни ер-мулкларидан маҳрум қилишлари лозим бўлган. Булла яъни буйруқ Англиядаги, Пиреней ярим оролидаги, Германиядаги, Италия ва

Кипрдаги жараёнларни бошланишига асос бўлди. Иккита кардинал, Орденнинг раҳбарларини шахсан сўроқ қилиш учун Парижга жўнатилди.

1310-йилнинг октабрида Вьен Соборини яъни йиғилишини ўтказиш мўлжалланган бўлиб, унда тамплиерлар иши юзасида қарор қабул қилиниши керак эди. Орден раҳбарларининг иқдор бўлиб берган гувоҳликларини эшитиш учун Шиненга учта кардинал жўнатилди. Улар тамплиерларнинг дастлабки гувоҳликларини тасдиқлаб қайтиб келишди. Француз қироли билан алоқадор епископлар томонидан тазйиқ қилиниши остида ўтказилган епископлик суриштурувлари, афтидан 1309 йилда бошланган бўлиб, кўпчилик ҳолатларда узоқ давомли оғир қийноқлардан кейин тамплиерлар ўзларининг дастлабки тан олиб иқдор бўлган гувоҳликларини такрорлашган. Орденнинг фаолиятини тергов қилган папалик комиссияси, иш бўйича эшитишни фақат 1309 йилнинг ноябрида бошлади. Рим папаси Климент V томонидан 1308 йил 12 августдаги булласига кўра Францияни жанубий-шарқдаги, Лион яқинидаги Вьен шаҳрида Собор чақирилди. Унда 20 кардинал, 4 патриарх, 39 архиепископ, 79 епископ, 38 аббат ва Франция қироли Филипп IV ва дунёвий сенъорлар, жами бўлиб 300 яқин киши қатнашди.

Вьен соборида учта масала кўриб чиқиши мўлжалланди:

- Тамплиерлар Орденига қарши айбловлар;
- Қуддусдаги христианларни муқаддас жойларини химоя қилиш;
- Черков ислоҳатларини истиқболлари.

Дастлаб, ҳамма нарса кўнгилдагидек бўраётган эди, тамплиерлар тазйиқ остида иқдор бўлган гувоҳликларидан ибодатхоначи-капелланлар – Пьер де Болонья ва Рено де Провенларни илҳомлантиришлари билан орденни ва уни ғурурини химоя қилишди. 1310 йилнинг май ойи бошларида жами олти юз нафар тамплиерлар орденни ҳамоя қилиш кераклиги ҳақида қарорга келишди, улардан қийноқ йўли билан олинган иқдорлиги ҳақида гувоҳликларни ҳаққонийлигини инкор этишди,

гувохликлар ёки 1307 йилда иквизиторлар томонидан, ёки 1309 йилда епископлар олдида олинган эди. Папа, суд жараёнини яқин орада тугамаслигини тушиниб, Соборни бир йилга ортга сурди. Филипп IV қаттиқ чораларни қўрди. Шундан бироздан кейин Филипп IV, тергов-суриштирув ишлари вақтида хазинага зарар етказилгани учун товон сифатида йирик миқдорда тўловни госпитальерлардан ундирди. Госпитальерлар қиролга 310 000 тур ливри тўлашга мажбур бўлишди. Тамплиерларга келсак, айрим ҳолларда улар оғир епитимьядан (яъни кафóрат, гуноҳкорларга черков томонидан бериладиган жазо - узoқ тоат-ибодат қилдириши рўза туттириш ва ҳ. к.), турли муддатга қamoқ жазосига ҳукм қилинди, бошқа ҳолатларда, айниқса агар тамплиерлар айбига иқрор бўлмаса, уларни бошқа орденларга тегишли монастирларга жўнатишган.

Кўпчилик европа давлатларида тамплиерлар орденининг мулкларини дунёвий ҳукмдорлар ўз қўлларига олишди.

Испанияда орденнинг мулклари бошқа орденлар ихтиёрига ўтди, масалан, аё Мария Монтесская орденига ёки Калатрава орденига ўтди, собиқ тамплиерларнинг кўпчилиги Калатрава орденига аъзо бўлиб кирди. Португалияда қирол Дионисий, Реконкиста қаҳрамонлари бўлган рицарларни таъқиб этишдан воз кечди ва 1319 йилда Христ орденига асос солди, унга Ибодатхона орденининг собиқ аъзолари киришди.

Ибодатхона орденининг собиқ йўлбошчилари 1314 йил 18-март куни папа суди олдида жавоб беришди ва умрбод муддатга қamoқ жазосига ҳукм қилинди. Орденнинг бош назоратчиси Гуго де Пейро ва Аквитания приори Жоффруа де Гонневиль ҳукмни сукут сақлаб эшитишди, бироқ Буюк магистр Жак де Моле ва Нормандия приори Жоффруа де Шарне, барча айбловларни инкор қилиб, қаттиқ норозилик билдиришди, ва уларнинг муқаддас ордени Худо ва бандаларини олдида ҳамон пок эканлигини таъкидлашди. Қирол уларни қайтадан дахрийлик (худосизлик) йўлига кирганлиги учун дарҳол ҳукм қилишни талаб қилди ва шу куни

тунда улар Сена дарёсидаги оролчалардан бири, Яхудий оролида гулханда куйдирилди.

Қатл этилиши олдидан де Моле папа ва қиролни бир йилдан сўнг худонинг олдида жавоб беришларини сўраб қарғади. Рим папаси Климент 20-апрелда вафот этди, Франция қироли Филипп шу йилнинг ўзида 29-ноябр куни ов пайтида ҳалок бўлди. Қирол эҳтимол кейинчалик, Париждаги танга кўзғолони пайтида Тамплиерларнинг қароргоҳида яширинганнини эслаб афсусланган бўлса керак.

1308-йил июлида папа Климент V ниҳоят, февралда тўхтатилган жинойт ишини қайта тиклашга рози бўлди, ва 1308 йил 12-августда айбловларни анча тўла ва тизимлаштирилган рўйхат илгари сурилди. Рўйхат 127 та моддани ўз ичига олиб, улар осонлик билан 7 та асосий гуруҳга бўлинади, ажратилади.

Биринчидан, орденга аъзо бўлиб кирган неофит Исодан воз кечган хатто барча авлиёлардан ҳам воз кечган. Орденнинг янги аъзоси, аъзоликка қабул қилаётганларнинг талаби билан Исо худо эмас, балки ёлғондакам пайғамбар у ўзининг гунохлари учун қатл этилган деб қасам ичган. Сўнг, янги аъзони Исони суратига қараб тупуришга, оёғи билан топташга ёки унга қарата сийишга мажбур этишган.

Иккинчидан, тамплиерларнинг бутларга, санамларга сиғиниши ҳақидаги хикояларда мушук ва уч юзли бош, калла ҳақида алоҳида эслатиб ўтилади. Каллага қутқарувчи сифатида сиғинишган. У гўё дарахтларни гуллантишга, ердан эса мисли кўрилмаган ҳосил олишга ёрдам беради деб хисоблашган. Тамплиерлар каллани белида камарга осиб юришган.

Учинчидан, улар илохий нарсаларга ишонишмаган. Уларнинг капелланлари маросим вақтида илохий сўзларни айтишдан ҳам ҳадиксирашган.

Тўртинчидан, орден аъзоларини Буюк магистрга ёки орденнинг бошқа раҳбарларига эътиқод қилиш мумкин ва уларни гуноҳлардан фориғ қилишга қодир деб ҳисоблашган.

Бешинчидан, маълумки орденнинг приорлари неофитларни лабидан, киндигидан, қоринидан ва баданининг бошқа аъзоларини ўпишган, орденда бесоқолбозлик рағбатлантирилган, бундай муносабатлар орденга янги қабул қилинганларга ҳам уқтирилган.

Олтинчидан, тамплиерлар барча қонуний ва ноқонуний воситаларни ишга солиб, орденнинг даромадларини кўпайтиришга ҳаракат қилишган. Ҳайр-эҳсондан ҳам ноқонуний тарзда фойдаланилган, улардан касалхоналарнинг эҳтиёжи учун маблағ ажратилмаган.

Еттинчидан, орденнинг йиғилишлари ва унга янги аъзоларни қабул қилиш, ҳар доим кечаси ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган ва қаттиқ қўриқланган, йиғилишларда фақат орденнинг аъзоларигина қатнашганлар. Йиғилишларнинг сирини бирорта бегонага маълум қилган тамплиерлар камоққа олинган ёки ўлим жазосига маҳкум қилинган.

1810 йилда “Тамплиерлар” пьессасининг муаллифи, ёш француз адвокати Ф.Ренуар, Наполеон Бонапартнинг руҳсати билан тамплиерлар устидан ўтказилган суд жараёни юзасидан папалик архивларини ўрганган ва тамплиерларнинг айбдорлиги белгисини топмаган. XIX асрда яшаган немис тарихчиси Г.Прутс тамплиерлар жоду ва афсунгарлиги билан шуғулланганликларини исботлашга уринган. Ундан ўн йил ўтгач, инквизиция бўйича америкалик мутахассиси Г.Ч.Ли, ибодатхона ордени биродарларининг дахрийликда ўз айбларига иқроф бўлишларига, папа инквизициясининг қийноқлари ва тазйиқи остида эришилганлигини исботлаган.

ХУЛОСА

Иш бўйича ўрганилган маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тамплиерлар ордери юқоридаги учта Диний Рицарлик Орденилари ўртасида алохида ўрин тутди.

Орден 1118 йилда, Гюго де Пэйн, Годфруа де Сен-Омер ва уларнинг еттита дўстлари Мукаддас йўл орқали Яффадан Қуддус бораётган христиан зиёратчиларни кўриқлаш ҳақида қасамёд қабул қилганликларидан кейин, вужудга келди. Улар Қуддус кироли Балдуин II хузурига келиб ундан ўзларининг Мукаддас ишларини бошлашга ижозат беришини сўрашди. Қирол уларнинг қарорини маъқуллади ва рицарларга Сулаймон ибодатхонаси ва собиқ Куббат-ал-Захра масжиди ўрнида қурилган саройнинг жанубий чеккасидан жой ажратди. Ўн йил ўтгач бу орден – Ибодатхона Ордени номини олди.

Олижаноб рицарлар Гуго де Пейн, Годфруа де Сент-Омер, Андре де Монбар, Гундомар, Ролан, Жоффруа Бизо, Пэйн де Мондидье, Аршамбо де Сент-Аман ахлоқий софлик, итоатгўй бўлиш ва фақир бўлиб яшашга қасамёд қилишди. Ҳар қандай тадбир маблағ билан таъминлашни талаб этади. Шунинг учун орденга Балдуин II ўз саройидан жой ажратди, руҳонийлар эса ўз ер мулкларидан даромадлари билан уларни таъминлашди. Баъзилари - умрбод, баъзилари эса – вақтинчалик бўлган.

1127 йилда Қуддус киролининг фармонида кўра Гюго де Пейн элчи сифатида рим папаси Гонорий II хузурига юборилди. Ташрифдан мақсад янги салб юришини ташкил этиш, ёки ҳеч бўлмаганда Қуддусни химоясини яхшилаш учун баҳоли қудрат ёрдам беришларини сўраш эди. Шунингдек Пейн, Анжу графлигига ҳам ташриф буюриб, Болдуин II топширига кўра унинг қизи Милесендани Анжу графи Фульк V билан тўйи масаласида музокаралар олиб бориши керак эди. Бундан ташқари Гюго Анре де Монбарнинг амакиси, цистерриан аббати Бернар Клервосскийни ҳам бориб кўрди.

Салоҳиддин Тир шаҳрини босиб олиш учун муваффақиятсиз ҳаракатни амалга оширгач, ва Аскалонни узоқ муддат қамал қилгач, Қуддус қамалини бошлашга қарор қилди. Муқаддас ернинг пойтахтида бунга тайёргарлик кўришган. Қуддусга, Амори I нинг бева хотини, Мария Комнинани эри Балиян д'Ибелин келиб, ўзининг вақтинчалик бошқарувини ўрнатди. Олтмиш нафар аслзодаларни ва шаҳарликларни рицарликка қабул қилиб, танга зарб этишни бошлаб, д'Ибелин қамалга қарши ҳаракатларга таёргалик кўришни бошлади. Салоҳиддиннинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига иккиланмасдан рад жавоби берилди.

Христианлар Қуддус учун мардларча курашганига қарамасдан мусулмонларнинг устунлиги сезиларли эди, ва Қуддус таслим бўлди. Балиан, Умар масжиди ёки бутун шаҳарни бузиб ташлаш билан пўписа қилиб, ўзининг таслим бўлиши шартларини қабул қилишга Салоҳиддинни кўндирди. Масалан, таслим бўлиш шартларига кўра бир эркак кишини товон пули – 10 базант, аёл кишиники - 5 ва ёш боланики – 1 базант микдорида белгиланган. Бу мурувватлик белгиси эди, чунки 10 базантга ўнта ёш болани ёки икки аёл кишини озод қилиш мумкин эди. Уч-тўрт минг киши товон тўлаб ўз эркинлигин сотиб олишган, ўн минг киши эса ғолиб султон томонидан озод этилди. Шунингдек, шаҳарнинг бой аҳолиси, госпитальерлар, тамплиерлар ва Қуддус патриархини биргаликдаги хатти-ҳаракатлари билан яна саккиз минг кишини озод қилишди.

Умуман олганда тамплиерларнинг ижтимоий ҳаракати замонавий махсус хизматларни кўп йиллик шаклланиш жараёнига туртки бўлди. Шунини айтиш жоизки, амалда дунёнинг барча мавжуд йирик ва энг эҳши махсус хизматлари, айнан тамплиерларни маданият ўчоғига айланмай қолган, Ўрта Шарқда бир-бирига қарама-қарши туришга мажбур бўлмоқда.

ФОЙДАНАЛИНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998.
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008.
3. Андреев А. Р. Рыцарские ордена: С крестом и мечом - М.: Алгоритм, Эксмо, 2004.
4. Бордонов Ж. Повседневная жизнь тамплиеров в XIII веке / Пер. с фр., предисл. и науч. ред. В. Д. Балакина. – М.: Мол. Гвардия, 2004.
5. Виппер Р.Ю. История средних веков. Курс лекций. Санкт-Петербург. 2001.
6. Всемирная история в 10 томах. Том-3. – М; 1987.
7. Заборов М. А. Крестоносцы на Востоке. – М.: Наука, 1980.
8. Заборов М.А. "История крестовых походов. В документах и материалах». М.; 1977.
9. История средних веков. В 2-томах. том 1. М. 2005.
10. Карсавин Л. П. Монашество в средние века: Учеб. пособие. – М.: Высш. шк., 1992
11. Семёнов. В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973 й.
12. Ўрта асрлар тарихидан изохли луғат. Тошкент, 1979 й.
13. Хрестоматия по истории средних веков. Часть 1. Москва, 1980